
“НОВКЕНТ” МФЙДАГИ ИЧКИ ЙЎЛЛАР АСФАЛЬТЛАШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, Қува туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан қишлоқлардаги ички йўллар асфальтлашга тайёрланмоқда.

Қарорга кўра, тумандаги "Новкент" МФЙ ҳудудидаги 4 та кўчани яъни 8,9 км.лик ички йўллари асфальт қилиш режалаштирилган. Ушбу йўллари таъмирлаш ишлари учун давлат бюджетидан 3,6 млрд сўм маблағ ажратилган.

Айни кунларда йўллари таъмирлаш ишларини сифатли бажариш учун шағаллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

2023-02-23 14:23:56